



FAN, TA'LIM VA AMALIYOT INTEGRATSIYASI

ISSN: 2181-1776

Дўстов Боходир Тошпулотович¹

¹ Каттақўрғон Абу Али ибн Сино номидаги жамоат саломатлиги
техникуми ўқитувчиси

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА БОЖХОНА ИСЛОҲОТЛАРИ ВА УНИНГ ИЖТИМОЙ СОҲА ТАРАҚҚИЁТИДА АҚС ЭТИШИ

Аннотация: Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг ҳар жабҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар замирида аҳоли фаровонлигини таъминлаш, халқимиз учун муносиб турмуш шароитларини яратиш, мамлакатимиз иқтисодий салоҳияти юксалтириш каби бир қатор эзгу ғоялар мужассам. Бу божхона тизимидаги ўзгариш ва янгиланишларда ҳам намоён бўлади..

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан мамлакатимизни иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш орқали аҳоли фаровонлигини ошириш йўлида амалга оширилаётган ислоҳотлар нафақат халқимиз, балки халқаро ҳамжамият томонидан ҳам юксак эътироф этилмоқда. Бунинг натижасини халқаро рейтингларда, фан, таълим, спорт, маданият, иқтисодиёт ва бошқа соҳаларда эришаётган ютуқларимизда кўриш мумкин. Шунингдек, тадбиркорлик фаолиятини либераллаштириш, хорижий инвестицияларни жалб этиш, юқори қўшилган қийматли рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқиш орқали экспорт салоҳиятини ошириш бобида муҳим ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

2019 йилдан божхона назоратида товарлар ва транспортларни “ялпи” божхона кўриги ўтказишдан воз кечиб, танлаб текширишга асосланган “Хавфни бошқариш” тизими жорий этилди. Натижада, расмийлаштирув вақти экспортда 3 баробарга, импортда 2 баробарга қисқарди. Кўриклар сони 1,4 баробарга камайиб, самарадорлиги 1,5 баробарга ошди. Тизим ишга туширилгунига қадар бир йилда ўртача 24-25 минг ҳолатда божхона экспертизалари тайинланган бўлса, ҳозирда уларнинг сони 2.5 баробарга қисқарди. Ушбу ўзгаришлар халқаро экспертлар томонидан эътироф этилиб, “Бизнес юритиш” халқаро рейтингининг “Халқаро савдо” индикаторида Ўзбекистон 13

поғона юқорига кўтарилишига эришилди. Давлат бюджетига 2016 йилга (5,6 трлн сўм) нисбатан 2021 йилда 6 баробар кўпроқ яъни 33,2 трлн. сўм божхона тўловлари ундирилди. Яратилган тизимлар ёрдамида, бугунги кунда божхона қийматини пасайтириш, имтиёزلарни нотўғри қўллаш, товарлар кодини нотўғри белгилаш ёки товарларни бошқа ном билан расмийлаштириш каби салбий ҳолатларнинг олди олинмоқда.

Хусусан, 2021 йилда бу каби ҳолатлар бўйича қўзғатилган жиноят ишлари миқдори 2018 йилга нисбатан 25 %га камайган бўлсада, аниқланган ҳолатлар қиймати бўйича 261млрд. Сўмга ёки 3 баробарга ортган. Маълумот учун: 2017 йилда 125 млрд. сўм, 2018 йилда 144 млрд. сўм, 2019 йилда 194 млрд. сўм, 2020 йилда 406 млрд. сўмлик имтиёз берилган. 2021 йилда 858 млрд. сўмлик товарларнинг ноқонуний айлануви тўхтатилган¹.

Мазкур даврда божхона тизимида амалга оширилган ислохотлардан бири шубҳасиз, божхона тизимига “рақамли божхона” тартибининг кириб келишидир. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси миллий божхона тизими ривожини олдида турган долзарб вазифалар қаторида ташқи иқтисодий фаолият ва ташқи савдони ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, шу жумладан, савдо айланмасининг ўсиши, иқтисодий алоқаларнинг кенгайиши ва инвестицион жозибадорликни оширишга қаратилган амалий чора-тадбирларни амалиётга жорий этиш каби устувор вазифалар ўрин олганини таъкидлаб ўтишди. Ушбу жараёнга рақамли технологияларни жорий этиш тобора долзарб ва аҳамиятли бўлиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасига йўллаган Мурожаатномасида 2020 йилни "Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили" деб эълон қилиш таклифи киритилди. Хусусан, давлат раҳбари бугунги кунда жаҳонда рақамли технологиялар барча соҳаларда ҳал қилувчи рол ўйнаётганини таъкидлади. Белгиланган мақсадларга эришиш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги “Рақамли Ўзбекистон—2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6079-сонли Фармони ва у билан тасдиқланган “Рақамли Ўзбекистон-2030” стратегияси ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тасдиқланди².

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 июндаги “Божхона маъмуриятчилигини ислоҳ этиш ва Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-6005-сон фармони билан божхона идораларига, божхона маъмуриятчилигини ислоҳ этиш, божхона органлари фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда самарадорлигини ошириш, «қоғозсиз ва электрон божхона»нинг мантиқий давоми ва ривожланиши бўлган «рақамли божхона» шакллантириш, шунингдек, божхона иши соҳасидаги умумэътироф этилган халқаро норма ва стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш каби топшириқлар берилган. Бунинг учун эса ташқи

¹https://uza.uz/uz/posts/yangi-ozbekiston-bozhxonasi-imkoniyat-va-salohiyat_340519?q=%2Fposts%2Fyangi-ozbekiston-bozhxonasi-imkoniyat-va-salohiyat_340519.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақамли Ўзбекистон—2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6079-сонли Фармони. 2020 йил 5 октябр. <https://lex.uz/docs/5030957>

савдонинг ривожланишига тўсқинлик қилувчи ҳар қандай чекловларни минималлаштириш ва божхона процедураларини автоматлаштириш кўзда тутилган.

Ахборот тизимини жорий этишдан асосий кўзланган мақсад божхона назорати остидаги товарларга нисбатан божхона ва юк операцияларини электрон бошқариш, юк операцияларида божхона органи мансабдор шахсининг мажбурий қатнашишидан қисман воз кечиш, товарлар ҳаракати ҳисобининг назорати йўқолишини олдини олиш, божхона назорати ва расмийлаштируви жараёнларига сарфланадиган вақтнинг сезиларли даражада қисқартирилишига эришиш, ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиларига кенг қулайликлар яратишдан иборат. Тизимнинг энг муҳим вазифаси эса божхона назорати остидаги товарларга нисбатан божхона ва юк операцияларини электрон бошқаришни жорий этиш орқали божхона омбори эгаларига ишонч билдириш ҳамда ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиларига қулайликлар яратиш, шунингдек товарнинг транспортда кўп вақт туриб қолишини олдини олишдир. Аҳамиятлиси, божхона назоратига илғор технологиялар татбиқ этилиши натижасида декларацияни расмийлаштириш вақти экспортда 1,7 баробарга, импортда эса 1,4 баробарга қисқартирилди. Шу билан бирга, 76 фоиз божхона юк декларациялари соддалаштирилган тартибда расмийлаштирилган. Бу кўрсаткич экспортда 84 фоизни ва импортда 74 фоизни ташкил этади³. Божхона соҳасида амалга оширилаётган улкан ўзгаришлар, кенг кўламли ислохотлар ҳақли равишда халқаро ҳамжамият томонидан юксак эътироф этилмоқда.

2020 йилдан сўнг божхона органлари экспертлари томонидан ривожланган давлатларнинг ташқи савдо операциялари мониторингини амалга ошириш, экспорт-импорт контрактларининг бажарилишини таҳлил қилиш, ташқи савдо операциялари ва чегарада назоратни амалга оширишда қонунчиликка риоя этиш тажрибалари ўрганиб чиқилди. Шунингдек, Жаҳон савдо ташкилоти, Жаҳон божхона ташкилоти каби халқаро ташкилотларнинг божхона маъмуриятчилиги усуллари ва шаклларини такомиллаштириш бўйича берган тавсиялари ўрганилди⁴.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 сентябрдаги ПФ-6310-сон «Божхона тартиб-таомилларини соддалаштириш ва давлат божхона хизмати органлари ташкилий тузилмасини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорга мувофиқ ташқи иқтисодий фаолият қатнашчилари томонидан Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган товарларнинг божхона расмийлаштирувидан олдин ушбу товарлар бўйича тўланиши лозим бўлган божхона тўловлари миқдорини аниқлашда божхона органлари томонидан дастлабки қарорни қабул қилиш тартибини белгилашга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитасининг 2021 йил 27 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган товарларга тўланиши лозим бўлган божхона тўловлари миқдорини аниқлаш бўйича дастлабки қарорни қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 3343-рақамли қарори қабул қилинди⁵.

Шунингдек, 2020 - 2023 йилларда божхона маъмуриятчилигини ислоҳ қилиш ва Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органлари фаолияти

³ «Рақамли божхона» тамойили тизим ривожининг барқарор кафолатидир // https://uza.uz/uz/posts/raqamli-bozhxona-tamoyili-ham-vaqtni-ham-xarazhatni-tezhashga-xizmat-qilmoqda_400771.

⁴ Олимжонов Ф. Ўзбекистон божхона органлари фаолиятини такомиллаштириш: асосий ва устувор йўналишлар // Ўзбекистон божхона ахборотномаси. 2020. №1. – Б. 3.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. <https://lex.uz/docs/5796669>.

самарадорлигини ошириш Концепцияси ҳамда уни амалга ошириш бўйича Йўл харитаси ишлаб чиқилди⁶.

Соҳа тараққиёти учун хизмат қилувчи меъёрий ҳужжатлар Ўзбекистон Республикасида жаҳон стандарти талабларига жавоб бера оладиган замонавий божхона тизимининг янада ривожланиши учун қабул қилиниб келмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 30 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси давлат божхона қўмитасининг марказий божхона лабораторияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 790-сонли қарори⁷ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Божхона тартиб-таомилларини соддалаштириш ва давлат божхона хизмати органлари ташкилий тузилмасини янада такомиллаштириш тўғрисида» фармониغا мувофиқ қабул қилинган эди.

2022 йилнинг 28 январ куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони қабул қилинди. Мазкур фармоннинг мамлакат иқтисодий барқарорлигини таъминлаш ва ун янада ривожлантиришга қаратилган мақсадлари «Янги Ўзбекистон — рақобатбардош маҳсулотлар юрти» ғояси асосида амалга оширила бошланди⁸.

Мазкур фармон асосида жамият бошқа соҳалар сингари божхона тизими ривожга қаратилган норматив ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Масалан, 2022 йил 1 февралда “Ўзбекистон Республикасининг божхона кодексига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-748-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинди⁹. Мазкур қонунга мувофиқ «Товарни вақтинча олиб чиқиш божхона режимида жойлаштириш учун декларант божхона органига божхона юк декларациясини ва товарнинг кузатув ҳужжатларини, шунингдек товарни етказиб бериш ёки топшириш тўғрисидаги контрактни (шартномани, келишувни) (товар ижара, лизинг шартномаси, кафолатли хизмат кўрсатиш ва инвестиция лойиҳаси доирасида вақтинча олиб чиқилган ҳолларда) тақдим этилиши йўлга қўйилди.

2022 йил 18 февралда эса Ўзбекистон Республикасининг «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақидаги ЎРҚ-755-сонли қонуни қабул қилинди. Мазкур қонунга биноан «Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони, қарори, фармойиши асосида, шунингдек унинг розилигига кўра ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан ёхуд юқори турувчи органларнинг буйруғи бўйича бошқа давлат органларига ёки уларнинг тасарруфидаги ташкилотларга, халқаро ташкилотларга тайинланган (юборилган) божхона органи ходими ўз мажбуриятларини бажариш даврида Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси кадрларининг амалдаги захирасига, агар қонунчиликда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, божхона органларидаги пул таъминоти сақланмаган ҳолда киритиладиган бўлди.

⁶ Электрон ресурс. <https://lex.uz/docs/5711042>.

⁷ Электрон ресурс. “Ўзбекистон Республикаси давлат божхона қўмитасининг марказий божхона лабораторияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”. <https://lex.uz/docs/5801144>.

⁸ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”.

⁹ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, “Ўзбекистон Республикасининг божхона кодексига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида”. 1.02.2022. <https://lex.uz/docs/5844851>.

2022 йилга келиб саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш ҳамда тадбиркорлик субъектлари томонидан мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ фойдаланишни таъминлаш, экспортни қўллаб-қувватлаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, товарларни божхона ҳудудида қайта ишлаш режимига жойлаштириш тартиботларини соддалаштиришни кўзда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Божхона ҳудудида қайта ишлаш божхона режими қўлланилишини соддалаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ-115-сонли фармони 2022 йил 25 апрелда қабул қилинди¹⁰.

2022 йил давомида божхона соҳасини тубдан такомиллаштириш ва уни янги босқичга кўтариш мақсадида бир қатор янги меъърий ҳужжатлар қабул қилинди. Хусусан, 2022 йил 27 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Божхона маъмуриятчилигини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-122-сонли фармони қабул қилинди¹¹. Мазкур фармон божхона маъмуриятчилигини янги босқичга олиб чиқиш, божхона ва юк операцияларини рақамли трансформация қилиш орқали инсон омилини кескин қисқартириш, божхона соҳасини очиклик, шаффофлик ҳамда ишончлилик тамойиллари асосида коррупциядан ҳоли тизимга айлантириш учун хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, божхона маъмуриятчилигини янада такомиллаштириш мақсадида халқаро меъёр ва стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилишга қаратилаётган муҳим эътибор, соҳада амалга оширилаётган тизимли ислохотлар мамлакатнинг иқтисодий барқарорлигини мустаҳкамлашга, унинг инвестицион салоҳиятини оширишга, ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратишга ва божхона органлари фаолияти шаффофлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Фойдаланилган Адабиётлар Рўйхати

1. https://uza.uz/uz/posts/yangi-ozbekiston-bozhxonasi-imkoniyat-va-salohiyat_340519?q=%2Fposts%2Fyangi-ozbekiston-bozhxonasi-imkoniyat-va-salohiyat_340519.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақамли Ўзбекистон—2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6079-сонли Фармони. 2020 йил 5 октябр. <https://lex.uz/docs/5030957>
3. “Рақамли божхона” тамойили тизим ривожининг барқарор кафолатидир // https://uza.uz/uz/posts/raqamli-bozhxona-tamoyili-ham-vaqtni-ham-xarazhatni-tezhashga-xizmat-qilmoqda_400771.
4. Олимжонов Ф. Ўзбекистон божхона органлари фаолиятини такомиллаштириш: асосий ва устувор йўналишлар // Ўзбекистон божхона ахборотномаси. 2020. №1. – Б. 3.

¹⁰ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, “Божхона ҳудудида қайта ишлаш божхона режими қўлланилишини соддалаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”. 25.04.2022 й., <https://lex.uz/docs/5980247>.

¹¹ Электрон ресурс. “Божхона маъмуриятчилигини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”. <https://lex.uz/docs/5998615>.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори.
<https://lex.uz/docs/5796669>.
6. Электрон ресурс. <https://lex.uz/docs/5711042>.
7. Электрон ресурс. “Ўзбекистон Республикаси давлат божхона кўмитасининг марказий божхона лабораторияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”. <https://lex.uz/docs/5801144>.
8. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”.
9. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, “Ўзбекистон Республикасининг божхона кодексига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида”. 1.02.2022.
<https://lex.uz/docs/5844851>.
10. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, “Божхона худудида қайта ишлаш божхона режими қўлланилишини соддалаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”. 25.04.2022 й., <https://lex.uz/docs/5980247>.
11. Электрон ресурс. “Божхона маъмуриятчилигини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”. <https://lex.uz/docs/5998615>.